

БУГУН УРГАНЧ ШАҲРИДА РЕСПУБЛИКА МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ АНЪАНАВИЙ «УМИД НИҲОЛЛАРИ – 2003» МУСОБАҚАЛАРИ БОШЛАНДИ

Mustaqillik huquq demakdir

НУШО

19

(282)

YURIDIK GAZETA

May					
D.	5	12	19	26	
S.	6	13	20	27	
Ch.	7	14	21	28	
P.	1	8	15	22	29
J.	2	9	16	23	30
Sh.	3	10	17	24	31
Y.	4	11	18	25	

2003

Gazeta 1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan.

E-mail: huquq@Infonet.uz

Чоршанбадан Чоршанбагача

8 МАЙ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Капитал курилишида иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги Фармони матбуотда эълон қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий хавфсизлик кенгашининг мажлиси бўлди. Йиғилишни давлатимиз раҳбари, Миллий хавфсизлик кенгаши Раиси Ислам Каримов бошқарди.

Ўзбекистон Республикаси Бosh прокуратурасида Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан тантанали йиғилиш бўлди. Унда уруш ва меҳнат фахрийлари Иккинчи жаҳон уруши ҳақидаги хотираларини ёш ҳамкасблари билан ўртоқлашдилар.

9 МАЙ

Мамлакатимизда Хотира ва Қадрлаш куни нишонланди. Ушбу кун Президент Ислам Каримов Тошкентдаги Хотира майдонига ташриф буюриб, Мотамсаро она ҳайкали пойига гулчамбар қўйди.

10 МАЙ

Атоқли ўзбек адиби, академик Фафур Фулом таваллудига 100 йил тўлди. Шу муносабат билан пойтахтимизда Ўзбекистон халқ шоири Фафур Фулом ҳайкалининг очилишига бағишланган маросим бўлиб ўтди. Унда Президент Ислам Каримов иштирок этди ва нутқ сўзлади.



Шу кунларда мамлакатимиз аҳлининг нигоҳи Хоразмга қаратилган. Дунёга донғи кетган Паҳлавон Маҳмуд юртида яна катта тўй-томоша — Алпомиш авлодларининг ўзаро баҳслари — «Умид ниҳоллари — 2003» спорт ўйинлари бошланди.

АЛПОМИШ АВЛОДЛАРИ АЙЁМИ

Маълумки, мамлакатимизда уч босқичдан иборат «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва «Универсиада» мусобақалари мунтазам ўтказиб келинаёптики, бу — ёш авлоднинг соғлом, баркамол инсон бўлиб етишишида катта аҳамият касб этмоқда.

Истиқлолнинг илк кунлариданоқ юртимизда ёш авлод камолоти йўлида улғу ишларга қўл урила бошланди. Ҳукуматимиз бунинг учун барча шароитни муҳайё қилмоқда.

Буюк аждодларимиз ҳам ёшларнинг камолотини кўлаб, узқони ўйлаб иш тутишган. Юртимизда ёш авлодни жисмонан ва маънан баркамол қилиб вояга етказиш ота-оналар, катта ёшдаги кишилар зиммасига юкланганлиги бежиз эмас. Зотан, аждодларимиз ўғитлари ота-бобларимиз шуурига сингиб кетган десак, муболага бўлмайди.

Кўхна заманимизда асрлар оша юзлаб, минглаб Алпомиш авлодлари, Паҳлавон Маҳмуд ворислари етишиб чиқиб, диёримиз довуғини дунёга таратганлиги билан бугунги кунда ҳақли равишда фахрланамиз. «Умид ниҳоллари — 2003» мусобақаси аждодлар ишининг узвий давомидир десак, асло янглишмаймиз. Бултур гўзал Фарғонада бўлиб ўтган «Умид ниҳоллари» ўйинлари маҳорат ва матонат кўригига, ёшлик ва спорт айёмига айланиб кетганига жумлаи жаҳон гувоҳ бўлди. Янаги мусобақаларни Хоразмда ўтказиш тўғрисидаги хушхабар яшиндек тарқалиб, бу юртда яшаётган ҳар бир элдошимизнинг қалбини ифтихор туйғусига тўлдирди. Бу бежиз эмас. «Умид

ниҳоллари»нинг Хоразмда ўтказилишида ўзига хос маъно ва мазмун мужассам. Бу юртда азалдан елкаси ерга тегмаган полвонлар, қушнинг кўзидан урадиган мерганлар, чавандозлар, тенги йўқ қиличбозлар етишиб чиққан. Дарвоқе, елкаси ерга тегмаган Паҳлавон Маҳмуд нафақат Хоразмнинг, балки барчамизнинг фахримиздир. Бу буюк зот беназир шоир, забардаст файласуф, олим ҳамда жаҳонгашта паҳлавон сифатида довуғ таратган. Унинг Ҳинд диёрида дунёнинг турли бурчакларидан келган полвонлар билан тенгсиз олишувда голиб чиққанлиги ва ана шу ғалаба эвазига барча мукофотлардан кечиб, тутқунликда сақланаётган асирларни озод этгани ҳақидаги ривоят асрлар оша бизгача етиб келган.

«Умид ниҳоллари — 2003» ўйинларига тайёргарлик кўриш жараёнида Урганч шаҳри, воҳанинг шаҳар-қишлоқлари ўзгача қиёфа касб этди. Шу ўринда яқин ўтмишда вилоятда жисмоний тарбия ва спортга, ёшларни соғлом қилиб тарбиялашга панжа орасидан қаралганлиги хунук оқибатларга олиб келганлиги тўғрисида таассуф билан тўхталиб ўтмай илҳимимиз йўқ. Вилоятимиздаги мутасадди ташкилотлар мусобақаларни номигагина ўтказарди. Спорт иншоотларини қуриш, таъмирлаш ўз ҳолига ташлаб қўйилди. Стадионлар хувиллаб қолди. Кези келганда таъкидлаш керакки, айрим шаҳар ва туманларда, қишлоқларда бундай ташвишли ҳол ҳамон бартараф қилинмаяпти.

(Давоми 2-бетда)

САРҒАЙГАН ЛОЙИҲА

Ваъда берганлар бошқа ишга ўтиб кетишди. Кейинги раҳбарлар эса лойиҳа ҳақида ҳатто ўйлаб ҳам кўриш-маяпти.

3-бет

«НИМГА АЙТАЙ, СИЗГА АЙТМАСМ?» САМАРҚАНДА ВИЛОЯТ ПРОКУРОРИ ҚАБУЛИДА

...тўрт фарзанднинг отаси бўлган ўғлим Самарқанд вилоят шойлинич тиббий ёрдам марказида «михланиб» ётибди. Даволашнининг ўзи бўларканми? Уша номард бойвачча бир марта ҳол-аҳвол сўраганда ҳам майли эди.

4-бет

ҚАРС ИККИ КўЛАДАН

Аниқ эсимда, чорраҳани кесиб ўтаётганимизда кўк чироқ ёниқ эди. Беихтиёр баҳсга араллашиб, ҳайдовчи қондани бузмаганлигини, бунга ўзим гувоҳлигимни айтдим. Айтдим, нисбатан ёш кўринишим боис бўлса керак, балога қолдим.

5-бет

ВИЛОЯТ КўРИНИШИ ВАХСОСИ ҚАПЧАСИ

Хуллас, янги қўшиқчи сифатида танилишингиз учун сизга 1000 доллар атрофида пул даркор.

8-бет

TADBIR

ХОТИРА ТУРНИРИ

Ҳазорасп туманлараро прокуратураси ташаббуси билан Питнак шаҳрида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист Юсуфбой Раҳмонов хотирасига бағишлаб бокс бўйича турнир бўлиб ўтди. Унда тумандаги барча мактабларнинг ўқувчилари ўз вази тоифасида куч синашдилар. Қизиқарли тарзда уч кун давом этган мусобақада 50 нафар ўқувчи голиб деб топилди ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

— Спортнинг бошқа турлари бўйича ҳам катта мусобақалар ўтказишга бош-қош бўлаёلمиз. Бу эса, албатта, ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг кескин камайишига таъсир кўрсатади деган умиддамиз, — дейди биз билан суҳбатда Ҳазорасп туманлараро прокурори Кўзибой Жабборов.

Эрпўлат БАХТ, Хоразм вилояти

Моҳият

Ўзингдан кейингиларга ибрат бўлай десанг, ўзингдан аввалгилардан ибрат ол.

«Ҳикматнома»дан

Кейинги сонда

Журналист суринтириқчи

ШИКОЯТБОЗЛИКДАН МАҚСАД ЧЎЧИТИШМИ?

